



Муташобих оятларнинг маъноларини бандаларнинг билишлари мумкин ё мумкин эмаслиги хакида Ахли сунна уламоларининг икки хил машҳур қарашлари бор:

- 1. Жумхур мутакаллимлар ва факихларнинг карашлари:** Муташобих оятларнинг таъвилини факат Аллоҳ билади, бошка хеч ким билмайди.
 - 2. Ибн Аббос, Мужохид ва Абул Хасан Ашъарийларнинг карашлари:** Муташобих оятларнинг маъноларини илмда сабит бўлганлар билишлари мумкин.

Иккала тараф хам ўз карашларига Оли Имрон сурасининг 7-оятини далил килганлар. Муташобих оятларнинг таъвилини факат Аллоҳ билади, дейдиганлар бу оятга шундай маъно берганлар:

Онлайн таъвилини оидати оидати оидати оидати оидати оидати

«Унинг таъвилини Аллоҳдан бошка хеч ким билмас. Илмда событ бўлганлар эса: Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз хузуридандир, дерлар » (Оли Имрон сураси, 7-оят).

Муташобих ояларнинг маъноларини билиш мумкин, дейдиганлар бу оятга куйидагича маъно берганлар:

Онлайн таъвилини оидати оидати оидати оидати оидати оидати оидати
онлайн таъвилини оидати оидати оидати оидати оидати

«Унинг таъвилини факат Аллоҳ ва илмда событ бўлганлар билурлар. (Улар): “**Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз хузуридандир**

»

, – дерлар

»

▪

Иккала тараф хам берган маъноларини кувватловчи кўплаб далиллар келтирганлар.

Муташобих ояларнинг таъвилини факат Аллоҳ билади, деганларнинг далиллари:

1. Оиша розияллоҳу анхонинг куйидаги сўзларида муташобих ояларнинг таъвилини факат Аллоҳ билишига ёркин далил бор:

Ибн Абу Хотим Ибн Абу Мулайқдан Оиша розияллоҳу анхонинг шундай деганларини ривоят килган: “Уларнинг илмда событ бўлишлари, мухкамига хам муташобихига хам иймон келтиришларидир. Улар уни билмайдилар».

2. Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳ муташобих оятларнинг таъвилини факат Аллоҳ билишини очик-оидин айтган:

Илмда сабит бўлғанларнинг Куръон таъвилини билишдаги илмлари: «**Унга иймон келтирдик, барчаси**

Р оббимиз хуэуридандир

[\[1\]](#)

»

да интихосига етган.

Муташобих оятларнинг таъвилини факат Аллоҳ билади, дейдиганлар булардан бошка хам ўндан ортиқ далиллар келтиргандар.

Муташобих оятларнинг маъноларини баъзи бандалар билишлари мумкин, дейдиганларнинг далиллари:

1. Агар муташобих оятларнинг маъноларини илмда сабит бўлғанлар билмасалар, улар билан жохиллар орасида фарқ бўлмай колади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам:

«**Албатта, ҳалол очик-оидиндир, ҳаром ҳам очик-оидиндир, улар орасида муташобихлар бордир. Уларни кўп инсонлар билмаслар**»

[\[2\]](#)

, деганлар. Бу сўзлари уларни оз инсонлар билишларига далолат килади, ўша оз инсонлар эса илмда сабит бўлғанлардир.

2. Ибн Абу Хотим Заххокнинг шундай деганини ривоят килган:

«Илмда событ бўлганлар унинг таъвилини биладилар. Агар таъвилини билмаганларида, носихини мансуҳидан, халолини харомидан, мухкамини муташобихидан ажрата олмасдилар».

Муташобих оятларнинг таъвилини билиш мумкин, дейдиганлар ушбулар каби ўнга якин далиларни келтирганлар [\[3\]](#).

Иккала тарафнинг хам карашларини ва келтирган далилларини тахқик килиб ўрганиб чиккан уламолар куйидаги мулоҳазаларни айтадилар: Биринчи тараф барча муташобих оятларнинг таъвилини факат Аллоҳ билади, бирортасининг хам таъвилини бандаларнинг билишлари мутлако мумкин эмас, демаганлар. Иккинчи тараф хам барча муташобих оятларнинг таъвилини бандалар билишлари мумкин, демаганлар. Чунки хакикий маъносини бандалар мутлако била олмайдиган муташобих оятлар хам, илм маърифатлари юкори баъзи бандалар билишлари мумкин бўлган муташобих оятлар хам бор эканини бирор тараф хам инкор эта олмайдиган хакикатдир.

Ана шу эътибордан мухаккик уламолар муташобих оятларнинг маъноларини билиш мумкин ё мумкин эмаслиги жихатидан учга таксимлаганлар:

1. **Бандаларнинг билишлари мутлако мумкин бўлмаган оятлар.** Масалан:

Оннинг олдиши олди олди олди олди олди

«Улар учун ердан бир жонивор чикарамиз» (Намл сураси, 82-оят).

Ушбу оядда Аллоҳ таоло ердан бир жонивор чикишини айтган. Уни качон чикишини Аллоҳдан бошка хеч ким мутлако билмайди.

2. **Бандаларнинг билишлари мутлако мумкин бўлган оятлар.** Баъзи оятларда нотаниш лафзлар келган. Масалан:

ҲАДИСАЛАРДА ҲАДИСАЛАРДА ҲАДИСАЛАРДА

«У томон шошиб, бир-бирларини туртиб келишди» (Софрат сураси, 94-оят).

Ушбу оядда келган ҲАДИСАЛАРДА калимасининг ҲАДИСАЛАРДА(шошиладилар) маъносига
эканини билиш, мутла
мумкин хисобланади.

К

3. Факат баъзи олимларгина билишлари мумкин бўлган оялар. Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайхи васаллам Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг ҳакига килган дуоларида
бунга ишора бор:

ҲАДИСАЛАРДА ҲАДИСАЛАРДА ҲАДИСАЛАРДА

«Эй Аллоҳим, уни динда факих килгин ва унга таъвилни билдиригин». Яъни ушбу
дуонинг баракотидан Ибн Аббос розияллоҳу анху оятларнинг бошка кўпгина олимлар
билмайдиган таъвилларини биладиганлардан бўлганлар. Бунга куйидаги ривоят хам
далолат килади: Умар розияллоҳу анху (бир гурух сахобалардан): Аллоҳ таолонинг «
Изаа жааъа насруллоҳи вал фатху

» деган сўзига нима дейсизлар?» – деди. Улардан баъзилари: «Качон бизга нусрат ёки
фатх берилса, Аллоҳга хамд ва истигфор айтишга амр килиндиқ, деймиз», – дедилар.
Баъзилари эса сукут саклаб бирор нарса демадилар. Шунда у менга: «Сен хам шундок
дейсанми

,
эй Ибн Аббос?!

»
– деди. «Йўқ

», – дедим. «Нима дейсан?
»

– деди. «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг ажалларидир. Аллоҳ буни у
зотга билдириди. Агар Аллоҳнинг нусрати ва фатхи келса» ўша ажалнинг аломатидир.
«Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истигфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб
килувчиидир», – дедим. Шунда Умар:

«
Аллохга касамки, мен хам бу борада факат сен айтган нарсанигина биламан, холос
»
, – дедилар.

Ушбу ривоят факат баъзи олимларгина билишлари мумкин бўлган оятлар хам борлигига далил хисобланади.

Абдулкодир АБДУР РАХИМ

[1] Оли Имрон сураси 7-оятининг маъноси.

[2] Муслим ривоят килган.

[3] Устоз доктор Абу Сарийъ Мухаммад Абу Сарийъ “Жомиул баян фи муташабихил Куръан” 1-жуз, 30-бет.

